



ORGANIZATION OF PREVENTION MEASURES AGAINST FRAUDULENT OFFENSES IN VIRTUAL SPACE

Shukurov Otabek Bakhodirovich

Head of Department at the Ministry of Internal Affairs of the Republic of
Uzbekistan, Lieutenant Colonel

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14987700>

ARTICLE INFO

Received: 28th February 2025

Accepted: 06th March 2025

Online: 07th March 2025

KEYWORDS

Virtual space, fraud,
cyberculture, cybercrime,
prevention.

ABSTRACT

This article discusses the organization of preventive measures against fraudulent offenses in virtual space, particularly focusing on cyberculture, approaches to its development, operational and investigative prevention of these crimes, and other related aspects. The article also presents proposals aimed at increasing the effectiveness of prevention strategies against virtual fraud cases.

ВИРТУАЛ МАКОНДАГИ ФИРИБГАРЛИККА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Шукуров Отабек Баходирович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШХББ бўлим бошлиғи, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14987700>

ARTICLE INFO

Received: 28th February 2025

Accepted: 06th March 2025

Online: 07th March 2025

KEYWORDS

Виртуал макон,
фирибгарлик,
кибермаданият,
кибержиноятчилик,
профилактика.

ABSTRACT

Ушбу мақолада виртуал макондаги фирибгарликка оид ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ташкил этиш, хусусан, кибермаданият, уни ривожлантиришга доир муносабатлар, мазкур жиноятларнинг тезкор-қидирув профилактикаси ва бошқа жиҳатлари акс эттирилган бўлиб, виртуал содир этиладиган фирибгарлик ҳолатлари профилактикаси самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган таклифлар ишлаб чиқилган.

Виртуал макондаги фирибгарлик билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашнинг энг муҳим ва асосий йўналишларидан бири мазкур турдаги жиноятларнинг барвақт профилактикасидир. Ушбу профилактиканинг ўзига хос жиҳатларидан бири содир этилаётган виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларининг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўришдир. Шунингдек, профилактик чора-тадбирларни қўллаш самарадорлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг тўғри ташкил этилганлигига боғлиқдир.

Виртуал макондаги фирибгарлик жиноятининг барвақт олдини олиш борасида профилактика инспектори, ИИО соҳавий хизматлари ва Миллий гвардия ходимлари,



туман ҳокимияти масъуллари, маҳалла фуқаролар йиғини ва ОАВ вакиллари, банклар ва бошқа молия муассасалари хизматчилари, бозорлар, савдо муассасалари ва вокзаллар, масъулияти чекланган жамиятлар маъмурияти бошқа ташкилотлар билан биргаликда виртуал макондаги фирибгарликнинг жамиятда мавжуд бўлишини тақозо этувчи сабаб ва унга имкон берувчи шарт-шароитларни ошқора ёки ноошқора усулда ўрганишлари ҳамда уларни бартараф этишлари лозим.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: кибержиноятчиликка қарши курашишда энг самарали восита борми? Бор! Бу – Интернет-маданият.

Интернет-маданият – бу Интернет орқали фойдаланувчиларнинг мулоқот, ахборот олиш ва узатиш маданиятидир. Интернет-маданият (кибермаданият деб ҳам аталади) деганда, шунингдек, виртуал тармоқдаги ижтимоий онгга салбий таъсир этувчи, яъни вайронкор-бузғунчи, ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган ва ноҳолис мазмундаги ахборотлардан фойдаланишнинг онгли равишда чекланилиши тушунилади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Интернет оламида кенг учраётган жиноятлар, жумладан, виртуал оламдаги фирибгарлик жиноятлари ва жабрдийдаларнинг Интернет-маданият меъёрларига риоя қилмаслиги оқибатида юзага келмоқда. Нафақат мамлакатда, балки дунё миқёсида Интернет-маданиятни ривожлантириш орқалигина кибержиноятчиликка қарши самарали курашиш мумкин.

Жамиятда Интернет-маданиятни ривожлантиришга доир қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

оилада фарзанд тарбиясига катта масъулият билан ёндашиш;

ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга компьютер саводхонлиги ва Интернетдан фойдаланиш маданиятини ўргатилиши ва улар орқали ёшларнинг Интернетдан тўғри ва самарали фойдаланишларини таъминлаш;

Интернет хавфсизлиги соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш;

ёшлар онгида виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини олдини олиш борасидаги Интернет-маданият бўйича кўникмаларини оширишга қаратилган қўлланманинг ишлаб чиқилиши ва ўқув юртларига бепул тарқатилиши;

тегишли ташкилотлар томонидан ўқув муассасалари ва давлат корхоналарида Интернет тармоғидан фойдаланишда виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини олдини олиш борасидаги Интернет-маданиятга оид ўқув семинарлари ва тадбирларнинг ташкил этилиши;

оммавий ахборот воситаларида виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини олдини олиш борасидаги Интернет-маданиятга доир материалларнинг эълон қилиб борилиши;

таълим муассасаларидаги АКТга доир дарсликларга виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини олдини олиш борасидаги Интернет-маданиятининг аҳамиятига қаратилган мавзуларнинг киритилиши;

республикада фаолият юритаётган психологларни ёшларнинг Интернетга қарамлигига қарши кураш йўналиши бўйича қайта тайёрлаш;



компьютерга виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларининг ноўя ахборотларни қабул қилишга қарши махсус тақиқлов дастурлари ўрнатилиши (Киберпатруль ёки Кидсконтролга ўхшаш);

виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини олдини олиш борасидаги оммабоп хорижий ижтимоий тармоқларнинг миллий фойдаланувчиларга маъқул келаётган имкониятлари тўлиқ ўрганилиб, миллий ижтимоий тармоқларга татбиқ этилиши;

таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи ва талабалар ўртасида виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини олдини олиш борасидаги Интернет-маданиятга оид турли кўринишдаги танловларнинг ташкил этилиши;

виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини олдини олиш борасидаги интернетдан фойдаланиш маданияти тарғиб этилган ташқи рекламаларнинг ташкил этилиши (яъни кўчалардаги биллбордларда бу йўналишдаги тарғибот матнлари ва суратларнинг жойлаштирилиши);

республикада “Хавфсиз Интернет ойлиги”ни йўлга қўйиш¹.

Шунингдек виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини олдини олишда тезкор бўлимларнинг махсус профилактик чора-тадбирлари мавжуд бўлиб, бу тушунча давлат ва унинг органлари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизимидан иборат эканлигини билдиради.

Виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларининг тезкор-қидирув профилактикаси айнан шу каби махсус чоралар турига киради.

Виртуал макондаги фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг тезкор-қидирув профилактикаси ички ишлар органларининг таркибий фаолият йўналишидан бири бўлиб, ўзининг ташкилий асосларига ҳам эга. Бу фаолият йўналиши ички ишлар органларида амалга ошириладиган фаолият (жиноятларни очиш, қидирувдаги шахсларни топиш ва бошқа шу каби)лар қаторида мустақил тадбир сифатида ўзига хос хусусиятга эга.

Виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш, яъни тезкор-қидирув профилактик фаолияти ўзига хос мураккаб жараён ва юқорида таъкидланганидек, жамиятдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий йўналишдаги комплекс чора-тадбирлар тизимидан иборатдир. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш ўзига хос фаолият йўналиши сифатида жиноятларнинг сабаб ва шароитларини ўрганати (умумий профилактика), шу билан бирга, шахсларнинг жиноят йўлига кирмаслигини таъминлаш мақсадида, индивидуал ва махсус профилактика ишларини амалга ошириш;

виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларига йўл қўймаслик, яъни чек қўйиш жиноят йўлига кирган шахсларнинг жиноий мақсадни амалга оширишини олдиндан аниқлаш ва шу орқали жиноятга йўл қўймасликдир.

Ички ишлар органлари фаолиятида тезкор профилактика ишларини ташкил этишга сабаб баъзи виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларни хуфёна ва ҳеч

¹ Кибержиноятчиликка қарши курашишда интернет-маданиятнинг аҳамияти // URL: <https://ictnews.uz/uz/15/05/2018/cybercrime/>



кимга билдирмасдан содир қилиш ҳолатларининг мавжудлигидир. Шунинг учун ҳам виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини очишда тезкор-қидирув фаолиятининг куч ва воситаларидан фойдаланиб, усул ва шаклларни қўллаш эҳтиёжи туғилади. Ушбу эҳтиёжни қондириш эса, биринчи галда, виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини юзага келтирувчи сабаб ва шароитни аниқлашни тақозо этади.

Ижтимоий-ҳуқуқий фан олимларининг назарий қарашларини эътиборга олган ҳолда, тезкор-профилактика фаолияти моҳиятини қуйидагича белгилаш мумкин:

агар шахс виртуал макондаги фирибгарлик жиноятини (шу жумладан, одам савдоси билан боғлиқ) содир этишга жазм этган бўлса, индивидуал профилактика ишларини амалга ошириш мумкин, аммо бу ҳолатда жиноят таркибига хос аломатлар бўлмаслиги лозим;

тезкор-қидирув тадбирлари шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида ўтказилмаслиги, балки шахсни жиноий йўлдан қайтаришга қаратилмоғи керак;

тезкор-қидирув тадбирлари нафақат жиноятларни, балки барча ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик мақсадида ўтказилиши лозим.

Юқорида баён этилганларни умумлаштирган ҳолда, қуйидаги таърифда тўхталиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Тезкор-қидирув профилактикаси ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятида виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини содир этишга мойил бўлган шахслар томонидан жиноят содир этилмаслигини таъминлашга қаратилган ва меъёрий жиҳатдан мувофиқлаштирилган комплекс чора-тадбирларни жорий этиш ва шу орқали шахсни виртуал макондаги фирибгарликка бошловчи сабаб ҳамда шароитларни бартараф этишга қаратилган фаолият йўналишидир.

Ушбу таъриф асосида тезкор-қидирув профилактикаси фаолиятининг қуйидаги белгиларини кўрсатиш мумкин, яъни ушбу фаолият қуйидагича амалга оширилиши лозим:

ички ишлар органларининг махсус хизмат соҳалари томонидан зарур куч ва воситаларни қўллаш;

тезкор профилактика тадбирлари орқали жиноят содир этишга мойил ёки жиноий фаолиятга қўшилишни мақсад қилган шахсларни жиноий йўлдан ва ижобий турмуш тарзига қайтариш.

Виртуал макондаги фирибгарлик жиноятлари билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш жараёнида ҳам айнан шу комплекс чора-тадбирларни қўллашда унинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи ижтимоий муҳитни эътиборга олиш лозим.

Кўриниб турибдики, ҳуқуқий жиҳатдан виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларига қарши курашда олдини олиш имкониятларидан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга, шу билан бирга, қуйидагиларни виртуал макондаги фирибгарликнинг олдини олишдаги махсус чоралар сифатида белгилаш мақсадга мувофиқдир:

виртуал макондаги фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва уларни башорат қилишда, албатта, ахборот-таҳлил ишларини йўлга қўйиш лозим;



ушбу жиноятларнинг содир этилишига салбий муҳит ва шарт-шароитларни яратувчи ҳолатларни бартараф этиш.

Тезкор-тактик йўналишдаги илмий башорат муайян давр учун тузилиши мумкин, яъни: қисқа ва узоқ муддатли. Илмий башоратларнинг ишлаб чиқилишида амалда мавжуд бўлган ахборотларни чуқур таҳлил этиш асосида узоқ муддатга тузиш ва шу орқали зарур тавсиялар бериш орқали виртуал макондаги фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш учун истиқболли режаларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса жамиятда мавжуд барча ижтимоий, иқтисодий, маданий ва қолаверса, сиёсий имкониятлардан кенг фойдаланишга имконият яратади.

Шунинг учун ҳам жиноят-қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш аппаратларининг барча бўғинларида жиноятлар тўғрисидаги ахборот-таҳлил ишларини олиб борувчи бўлим ва бўлинмаларнинг фаолият кўрсатаётгани бу йўналишдаги муҳим амалий ечимдир. Бироқ айрим ҳолларда, бу фаолият йўналиши зарур даражада ташкил этилмаслиги натижасида жиноятлар ва айниқса виртуал макондаги фирибгарлик жиноятлари бўйича зарур маълумотлар эътибордан четда қолади ва бу салбий ҳолат ўз вақтида жиноятларга йўл қўймасликни таъминлашга имкон бермайди.

Виртуал макондаги фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда тезкор ходимлар томонидан умумий профилактика чораларини қўллаш ўзига хос хусусиятларга эга. Умумий профилактик чораларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

виртуал макондаги фирибгарлик жиноятдан жабр кўрган фуқароларни соғлом ҳаёт тарзига қайтариш ва келажакда бошқа шахслар жабр кўрмасликлари учун маънавий ва маърифий тадбирларни ўтказиш;

ушбу жиноятни содир этган шахсларни телевидение ва радио орқали кенг оммага етказиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллалар, мактаблар, касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларида виртуал макондаги фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга қаратилган учрашувлар ҳамда давра суҳбатларини мунтазам равишда ўтказиб бориш;

виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш учун кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тарғибот ва ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган диний-маърифат ва ахлоқий-маънавий масалалар бўйича маслаҳатчилар имкониятларидан самарали фойдаланиш.

Виртуал макондаги фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда тезкор ходимлар томонидан индивидуал профилактика чораларини қўллаш ўзига хос хусусиятларга эга. Виртуал макондаги фирибгарлик жиноятлари билан шуғулланувчи шахслар билан иш олиб боришда ўзига хос тактик усулларни қўллаш лозимлигини тақозо этади.

Виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларига мойил шахслар билан олиб бориладиган очик мулоқот кўп ҳолларда натижа бермайди, берган тақдирда ҳам шахсни жиноят содир этишдан қайтаришда фақат тарбиявий таъсир кўрсатиши мумкин. Аксарият ҳолатларда шахснинг асосий мақсадини аниқлаш имкони бўлмайди.



Виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини содир этиш билан шуғулланадиган жиноятчилар банк ходимлари, электрон пулларни нақд пулга алмаштириб берувчи шахслар, онлайн қимор ўйинларини ўйновчи шахслар билан кўпроқ алоқада бўладилар. Шунинг учун юқорида кўрсатилган тезкор қизиқиш ўйғотувчи шахсларга нисбатан индивидуал профилактик тадбирларни амалга ошириш зарур. Бунинг учун ИИОнинг тезкор ходимлари муқаддам виртуал маконда фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларни содир этганлиги учун судланган, ушбу турдаги жиноятларни содир этишга мойил шахсларни ҳисобга олиб, тегишли тартибда тезкор-профилактик тадбирларни амалга ошириш, профилактик суҳбатлар олиб бориш ва бошқа тезкор-қидирув фаолиятининг усуллари, воситалари ва кучларидан унумли фойдаланиш зарур.

Виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини олдини олишда тезкор ходимлар томонидан махсус профилактика чора-тадбирлари ҳам амалга оширилади. Ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишда тезкор ходимлар томонидан махсус профилактика чора-тадбирларида тезкор-қидирув фаолиятининг куч, восита ва шаклларида унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ички ишлар органлари тезкор бўлимлари, тергов ва бошқа бўлимларининг виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини содир этганлик учун жазо муқаррарлигини таъминлаш бўйича фаолияти катта аҳамиятга эга. Бу эса жиноятларнинг тез ва тўлиқ очилишини, айбдор шахсларнинг қонунда кўрсатилган жиний жавобгарликка тортилишини таъминлайди. Ички ишлар органлари жиноят қидирув бўлинмалари томонидан виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини аниқлаш ва фош қилиш бўйича вазифаларининг муваффақиятли ҳал қилиниши ички ишлар органлари иш фаолиятининг ташкил этилганлик даражаси, куч ва воситаларни комплекс равишда қўллаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашда кенг жамоатчилик имкониятларидан фаол фойдаланиш билан белгиланади.

Ички ишлар органлари жиноят қидирув бўлинмалари жиноятчиликка қарши кураш мақсадида, виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини аниқлаш, олдини олиш ва очишда, жиноятларни содир этишга тайёрланаётган, содир этаётган ёки содир этган шахсларни аниқлашда ҳамда яширинган жиноятчиларни қидириб топишда ўз билим ва касбий маҳоратини ишга солишлари лозим.

Виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини очишни ташкил қилиш ва тактикасида ушбу турдаги жиноятларнинг тезкор-тактик тавсифи муҳим аҳамиятга эга. Виртуал макондаги фирибгарлик жиноятининг тезкор-тактик тавсифи ўз ичига жиноятнинг жиний-ҳуқуқий тавсифи ва ижтимоий хавфлилиги, содир этиш мотивлари, жиноятчиларнинг шахси, жиноятни содир этиш шароитлари ва жиноятчилар ҳаракатлари, жабрланувчи шахси ва унинг ҳаракатлари каби хусусиятларни қамраб олган. Ушбу хусусиятлар тўлиқ ва ўз вақтида аниқланмаса, виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини очиш жараёни мураккаблашади.

Виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини очишни ташкил этиш ва тактикасида тезкор бўлинмаларнинг бошлиқлари муҳим ўрни тутуди, улар бу борада ташкилий-бошқарув ва ташкилий-тактик тадбирларни амалга оширадилар.



Шуни ҳам инобатга олиш лозимки, виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини очишни ташкил этиш ва тактикасига давлатимиздаги сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий вазият, хизмат қилинаётган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ва жўғрофий шароитлари, аҳолининг демографик хусусиятлари, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг ҳолати, жиноят содир этаётган шахсларнинг демографик ва ижтимоий-руҳий ҳолати, уларнинг муқаддам судланганлиги, жиноятни очишда қатнашаётган куч ва воситаларнинг мавжудлиги, уларнинг тайёргарлик даражаси ўз таъсирини кўрсатади.

Баён этилган хулосалар, фикримизча, виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларига қарши курашда ижобий самара беради ва инсон учун бебаҳо бўлган озодлиги, шаъни ва қадр-қимматининг дахлсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларига қарши кураш олиб боришда оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда бундай жиноятлар билан шуғулланувчи уюшган жиноий гуруҳларни фош этишга бағишланган фильмлар, мақолалар, радиотелевидение дастурларида акс этган мавзулар анчагина. Аммо уларда ахлоқий жиҳатларни кучайтириш, жамиятга катта зарар етказаётган томонларни тўлароқ очиб бериш ўта зарур бўлиб, у инсон шахсияти ва унинг маънавий камолоти учун жуда муҳимдир.

Юқорида таъкидлаб ўтилган барча масалалар виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигини оширишнинг ўзига хос омилларидир.